

**ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/31.10.2024.I.133.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛТАЕВ АБРОР САЙИТМУРАДОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ ҲИСОБИНИНГ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри– 2025 йил

Фан доктори (DSc) дисертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Болтаев Аброр Сайитмурадович

Қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини
такомиллаштириш..... 3

Болтаев Аброр Сайитмурадович

Совершенствование методологии учета сельскохозяйственной
деятельности..... 35

Boltaev Abror Sayitmuradovich

Improving the methodology for recording agricultural activities..... 69

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 75

**ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/31.10.2024.I.133.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛТАЕВ АБРОР САЙИТМУРАДОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ ҲИСОБИНИНГ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри– 2025 йил

Фан доктори (Doctor of Sciences) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссияси томонидан B2023.1.DSc/Iqt459 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.kiut.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Дусмуратов Раҳжапбай Давлатбаевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ризаев Нурбек Кадрович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Урашов Комил Бахрамович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Астанакулов Олим Таштемирович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

Диссертация ҳимояси Тошкент Кимё халқаро университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/31.10.2024.1.133.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «04» 04 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100121, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 156-уй, Тел: (78) 129-40-40, e-mail: info@kiut.uz)

Диссертация билан Тошкент Кимё халқаро университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин 06 -рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100121, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 156-уй, Тел: (78) 129-40-40, e-mail: info@kiut.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил «19» 03 куни тарқатилди.
(2025 йил «19» 03 даги 06 - рақамли реестр баённомаси)


К.Б. Аҳмеджанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Ш.Г. Эмүровдов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
А.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида глобал рақобатнинг кучайиб бориши шароитида қишлоқ хўжалиги тармоғига бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Чунки, Жаҳон банки маълумотларига кўра «Қишлоқ хўжалиги иқтисодий ўсиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга: жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 4 фоизини ва баъзи ривожланаётган мамлакатлар ЯИМнинг 25 фоиздан ортигини ташкил қилади»¹. Шунингдек, бугунги кунда дунёда «бухгалтерия ҳисоби бизнес фаолиятини ўлчаш, кузатиш ва умумлаштириш, молиявий маълумотларни шарҳлаш ва натижаларини раҳбарият ва бошқа манфаатдор томонларга самарали бизнес қарорларини қабул қилишга ёрдам бериш учун етказиш тизими»² сифатида эътироф қилинаётган даврда, қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобини, хусусан, биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тан олиш, баҳолаш, молиявий-хўжалик фаолиятида улар билан боғлиқ содир бўлган операцияларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш масалаларининг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги фаолияти бухгалтерия ҳисобининг назарий, ташкилий-услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш борасида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида мунтазам равишда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, мамлакатимиз аграр соҳасини модернизациялаш ва унга хорижий инвестициялар жалб қилиниши, ташқи савдо фаолиятининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг назарий, норматив-ҳуқуқий ва методологик асосларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС (IFRS)) асосида такомиллаштиришни тақозо қилади. Бу қишлоқ хўжалиги фаолиятининг ҳисоби, хусусан, биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобининг методологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ва эмпирик тадқиқотлар олиб бориш заруратини кучайтирмоқда. Бу эса, реал секторда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, хусусан бозор муносабатларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори кўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган устувор йўналишлар доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш зарурати ва бухгалтерия ҳисоби тизимини МҲХС (IFRS)га мувофиқлаштириш бўйича қўйилаётган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобини юритиш ва

¹ Agriculture Overview: Development news, research, data / World Bank Group (2024). <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>

² Exploring Business – v2.0 // Publisher: Saylor Academy. (2012). https://saylordotorg.github.io/text_exploring-business-v2.0/s16-01-the-role-of-accounting.html

молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича мавжуд назарий, меъерий-ҳуқуқий, ташкилий-услубий ва амалий муаммоларни бартараф этиш кишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Кишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг нуфузли илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, соҳага алоқадор халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки (The World bank), The center for economic and business research (CEBR), American Institute of Certified Public Accountants (AICPA), Austin State University (АҚШ), University of California (АҚШ), Dr. Rafael Belloso Chacin University (Испания), University Giessen (Германия), Academy of Economic Studies Bucharest (Руминия), University of Debrecen, Institute of Accounting and Finance (Венгрия), Rezekne Academy of Technologies (Латвия), University of Jember (Индонезия), Россия давлат аграр университети К.А.Тимирязев номли Москва кишлоқ хўжалиги академияси, Ижевск давлат кишлоқ хўжалиги академияси, Орёл давлат аграр университети, Кубан давлат аграр университети, Қозон давлат аграр университети (Россия Федерацияси), Тошкент давлат иқтисодиёт

³ Диссертация тадқиқоти бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ишлаб чиқилган: <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>; https://saylordotorg.github.io/text_exploring-business-v2.0/s16-01-the-role-of-accounting.html; https://www.accaglobal.com/russia/ru/qualifications/dipifir-rus/exam_structure/technical-articles/IAS41.html; https://upg-bulletin-se.ro/old_site/archive/2010-3/8.%20Bavita_Dumitru_Pitulice_Nichita.pdf; https://www.researchgate.net/publication/289995676_Measurement_of_Agricultural_Activities_According_to_the_International_Financial_Reporting_Standards; https://www.researchgate.net/publication/334653035_Accounting_Treatment_of_Biological_Assets_for_Agricultural_Companies_in_Jember_and_Bondowoso; <https://frontlinejournals.org/journals/index.php/fmmej/article/view/485>; https://www.researchgate.net/publication/340976424_Biological_assets_and_the_agricultural_products_in_the_context_of_the_implementation_of_the_ias_41; https://scholarworks.sfasu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1003&context=accounting_facultypubs; <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-ucheta-vosproizvodstva-vneoborotnyh-biologicheskikh-aktivov-v-selskom-hozyaystve.pdf>; <https://elibrary.ru/item.asp?id=23758268>; <https://diss.unn.ru/files/2014/457/diss-Terekhov-457.pdf>; <https://znanium.ru/catalog/document?id=355089>.

университети, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Самарқанд иқтисодий ва сервис институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг назарий-методологик масалаларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: биологик активларни актив сифатида тан олиш механизми асосланган ва ҳисобга олиш методологияси таклиф этилган (University of California, АҚШ); қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисобга олиш методологияси такомиллаштирилган (Austin State University, АҚШ); қишлоқ хўжалиги компанияларида биологик активларни ҳисобга олиш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланган (University of Jember, Индонезия); биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобининг методологияси такомиллаштирилган (Rafael Belloso Chacin University, Испания); МҲҲС (IFRS) асосида қишлоқ хўжалиги фаолиятини баҳолаш мезонлари таклиф этилган (University of Debrecen, Institute of Accounting and Finance, Венгрия); фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари амалий маълумотлар асосида ёритиб берилган (Academy of Economic Studies Bucharest, Руминия); Латвияда биологик активларни ҳисобга олиш ва баҳолаш муаммолари тадқиқ қилиниб, уларни бартараф этиш борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган (Rezekne Academy of Technologies, Латвия); 41-сон БҲҲС «Қишлоқ хўжалиги» талабларига мувофиқ биологик активларни баҳолаш ва ҳисобга олиш методологиясини такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган (Ижевский давлат қишлоқ хўжалиги академияси, Россия Федерацияси); қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаш ва ҳисобга олиш услуби таклиф этилган (Кубан давлат аграр университети, Россия Федерацияси); биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган (Россия давлат аграр университети - К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академияси, Россия федерацияси).

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг назарий, меъёрий-ҳуқуқий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг норматив-ҳуқуқий асослари такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги фаолияти натижаларини бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибининг такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини МҲҲС (IFRS) асосида такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг назарий ва норматив-ҳуқуқий асосларини шакллантириш; биологик активлар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш; қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини баҳолаш ва ҳисобга олиш методологиясини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг назарий, меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Ilie BăviŃă, Ildikó Orbán, Iluta Arbidane, K.Khushvakhtzoda, N.W.Widiyanti, Rubén Dario Marrufo Garcia, Treba Mars, шунингдек МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари В.Ф.Палий, Р.А.Алборов, Н.Н.Агошкова, З.И.Кругляк, Г.С.Клычова, А.М.Терехов, Л.Ф.Ситдикова, Л.И.Куликова, А.Е.Выручаева ва бошқа олимларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида ўз аксини топган⁴.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Р.Д.Дусмуратов, А.А.Каримов, К.Б.Уразов, С.Н.Тошназаров, Н.К.Ризаев, И.Н.Исманов, Б.Ю.Менгликулов, Б.М.Джураев, З.У.Мухаммадиев, Ф.Т.Темировларнинг тадқиқот ишларида миллий ҳисоб тизимини МҲХСга уйғунлаштириш масалалари, хусусан биологик активлар ва улардан олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳисобининг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатлари ўрганилган⁵.

⁴ Ilie BăviŃă, Mădălina Dumitru, Peana Cosmina Pitulice, Mirela Elena Nichita. Cost Computation for the Agricultural Products within the Vegetal Farms. Petroleum - Gas University of Ploiesti Bulletin, Economic Sciences Series. Sep 2010, p 76-84.; Ildikó Orbán Mrs. Tamás Dékán and Ágota Kiss. Measurement of agricultural activities according to the International Financial Reporting Standards / Procedia Economics and Finance 32 (2015) 777 – 783.; Iluta Arbidane, Iveta Mietule. Problems and solutions of accounting and evaluation of biological assets in Latvia. Entrepreneurship and Sustainability Issues, 2018, 6 (1), pp.10-22.; N.W.Widiyanti, B.Maharani, I.Purnamawati. Accounting Treatment of Biological Assets for Agricultural Companies in Jember and Bondowoso. Journal of Finance & Banking Studies 7(2), 2018: 58-65 pp.; Rubén Dario Marrufo Garcia, Abel Maria Cano Morales. Accounting treatment of biological assets and agricultural products. “Visión de Futuro” Año 18, Volumen N° 25 N° 2, Julio – Diciembre 2021 – Pág 63 – 86.; Treba Marsh, Mary Fischer Accounting for Agricultural Products: US Versus IFRS GAAP. Journal of Business & Economics Research – February 2013 Volume 11, Number 2. 79-86 p.; Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2011. -512 с.; Алборов Р.А., Концевая С.М. Развитие методики оценки и учета биологических активов в соответствии с требованиями МСФО 41 “Сельское хозяйство” // Международный бухгалтерский учет. 2012. №2 С. 2-12.; Агошкова Н.Н. Совершенствование учета воспроизводства внеоборотных биологических активов в сельском хозяйстве // Международный бухгалтерский учет. 15 (261) – 2013. 20-28 ст.; Кругляк З.И. Учет и оценка сельскохозяйственной продукции по справедливой стоимости. Всероссийский журнал. Вестник Академии знаний №28(5) 2018. 149-157 ст.; Клычова Г.С., Закирова А.Р., Клычова А.С., Ситдикова Л.Ф. Методические подходы к учету биологических активов растениеводства. // Международный бухгалтерский учет. 23 (365) – 2015. С. 14 – 24.; Терехов А.М. Бухгалтерский учет и оценка биологических активов в сельскохозяйственных организациях. Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. Нижний Новгород 2014. – 119 ст.; Ситдикова Л.Ф. Развитие учета биологических активов в сельскохозяйственных организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Нижний Новгород – 2013. – 8 ст.; Куликова Л.И. Международные стандарты финансовой отчетности. Нефинансовые активы организации: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2012. – 331 с.; Выручаева А.Е. Развитие бухгалтерского учета биологических активов и сельскохозяйственной продукции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Москва – 2011. – 17 ст.

⁵ Dusmuratov R.D., Menglikulov B.Yu. Qishloq xo‘jaligida buxgalteriya hisobi va statistika asoslari. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. – 392 б.; Каримов А.А., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Имамова Н.М. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (Дарслик). -Т.: «Nihol print» ОК, 2021. -332 б.; Urazov K.B., Vaxidov S.V. Boshqa tarmoqlarda buxgalteriya hisobining xususiyatlari. – Т.: Adib, 2011. – 494 б.; Ташназаров С.Н. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т. ТМИ, 2019.; Дусмуратов Р.Д., Ризаев Н.К. Аграр соҳада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: назария ва амалиёт. «Логистика ва иқтисодий» илмий электрон журнали. 2020 / 1-сон. 15-24 бетлар.; Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2009.; Менгликулов Б.Ю. Чорвачилиқда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби,

Диссертация мавзусига оид хорижий, МДХ ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларини таҳлилий ва танқидий ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тан олиш, баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттиришнинг айрим назарий, ташкилий-услубий жиҳатлари ўрганилган. Бироқ, қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг назарияси ва методологиясини такомиллаштириш масалалари комплекс ва тизимли равишда тадқиқ қилинмаган. Жумладан, қишлоқ хўжалиги фаолиятининг миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини МҲХС (IFRS)га мувофиқ тарзда амалга оширишнинг илмий асосланган методологияси деярли ўрганилмаган. Бу эса, ушбу диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруратини, тадқиқот мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий, методологик ва амалий йўналишларда илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалиги фаолиятининг иқтисодий моҳияти ва уни ҳисобга олишнинг объектив заруратини очиқ бериш;

қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ активларнинг таснифланишини тадқиқ қилиш асосида илмий-назарий хулосалар шакллантириш ва таклифлар тайёрлаш;

қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ёритиш;

қишлоқ хўжалиги фаолиятини тизимли ва тўлиқ ҳисобга олишни таъминлайдиган ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ҳозирги амалиётини ўрганиш;

қишлоқ хўжалиги фаолиятида фойдаланилаётган асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар тайёрлаш;

ҳаққоний қийматини аниқлаш имкони бўлмаган биологик активлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Т.: 2023. – 33 б.; Дусмуратов Р.Д., Джураев Б.М. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб сиёсати: услубий ва ташкилий-техник жиҳатлари. Монография. – Т.: 2016. – 16 б.; Махаммадиев З.У. Корхоналарда модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. –Т.: 2021. – 76 б.; Темиров Ф.Т. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари. И.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: 2021. – 16 б.

биологик активларни тан олиш ва баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш;

биологик активлар ва улар билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

биологик активларни молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини баҳолаш ва ҳисобга олишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир харажатларни олинган маҳсулотлар таннархига олиб боришнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш асосида уларни тақсимлашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари қишлоқ хўжалиги фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ назарий, ташкилий-услубий ва амалий масалалар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантикий фикрлаш, далиллар тўплаш, тасаввур этиш, қиёслаш, шакллантириш ва муаммони қўйиш каби назарий-тадқиқот усуллари, илмий адабиётлар ва тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини ўрганиш, кузатиш ва давр оралиғида тадқиқ қилиш каби эмпирик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

услубий ёндашувга кўра «Биологик актив» тушунчасининг иқтисодий мазмуни биологик активларни бизнес жараёнларидаги биотрансформацияланиши бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида таснифлаш асосида такомиллаштирилган;

биологик активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда «1-даражали», «2-даражали» ва «3-даражали» маълумот манбаларидан фойдаланиш ҳамда аниқланган қийматдан уни сотиш билан боғлиқ кутилаётган харажатларни чегириш орқали биологик активларни молиявий ҳисоботда акс эттириладиган қийматини шакллантириш таклифи асосланган;

биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш мақсадида алоҳида 6040 - «Биологик активларни кирим қилишда тан олинган даромадлар», 6050 - «Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда», 7040 - «Қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатлари» ва 7050 - «Биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан зарар» ишчи счётларини очиш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатининг «Умумий қоидалар», «Бухгалтерия ҳисоби», «Солиқ ҳисоби» ва «Яқуний қоидалар» қисмларидан иборат таркибий тузилмаси ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби» қисми «Услубий

масалалар» бўлимида қишлоқ хўжалиги фаолияти бўйича «Биологик активлар» ва «Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти»ни алоҳида ҳисобга олиш тартибини киритиш асосида такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилиш ва уларни сотишда тан олинадиган даромадларни ҳисобга олиш мақсадида алоҳида 6060 - «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадлар» ва 6070 - «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда тан олинадиган қўшимча даромадлар» ишчи счётларини очиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

асосий воситалар сифатида тан олинадиган ва эскириш ҳисобланадиган биологик активлардан келгусида олинадиган иқтисодий нафнинг истеъмол хусусиятларини аниқроқ акс эттирадиган «Тўғри чизиқ усули», «Камайиб борувчи қолдиқ усули» ва «Ишлаб чиқариш усули» каби муқобил усуллардан танланган усулни ҳисоб сиёсатида белгилаб қуйиш орқали эскириш ҳисоблаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш ҳамда маълумотларни ёритиб бериш асосланган;

тадбиркорлик субъектларида биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисобининг алоҳида ишчи счётларда юритилиши, қишлоқ хўжалиги фаолияти бўйича молиявий натижаларни тўғри шакллантириш, молиявий ҳисобот ва у билан бирга чоп этиладиган маълумотларда ошкор қилинадиган ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончлилигини янада оширишга ҳамда жорий назоратни кучайтиришга хизмат қилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилиш ва уларни сотишда тан олинадиган даромадларни алоҳида ишчи счётларда ҳисобга олиш, биологик активлардан олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадларни ҳамда уларни сотишда тан олинадиган қўшимча даромадларни алоҳида ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилик даражасини оширишга хизмат қилган;

қишлоқ хўжалиги фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни асосий ва қўшимча тайёр маҳсулотлар таннархига тақсимлаш усуллари тавсия этилди, алгоритми тузилди ва ушбу алгоритм асосида «The method of «Realization of additional products in reality»» ва ««Qo‘shimcha mahsulotni haqiqatda ishlab chiqarish» metodi» дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, расмий маълумот манбаларидан, хусусан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари, интернет тармоғидаги расмий сайт ахборотлари, Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятларига доир ҳисоботлардан олинганлиги, таклиф ва тавсиялар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги фаолиятининг ҳисоби ва молиявий ҳисобот тузиш методологиясини такомиллаштириш бўйича жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича истиқболда амалга ошириладиган тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ хўжалиги фаолиятида мавжуд активлар ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

услубий ёндашувга кўра «Биологик актив» тушунчасининг иқтисодий мазмуни биологик активларни бизнес жараёнларидаги биотрансформацияланиши бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида таснифлаш асосида такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Urganch yog'-moу» АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 13 июндаги 08/43-2-12424-сон, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2024 йил 1 мартдаги №03/3-56-сон, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш марказининг 2024 йил 5 мартдаги 34-сон, «Urganch yog'-moу» АЖнинг 2024 йил 5 январдаги 12-сон маълумотнома-лари). Натижада, «биологик актив» тушунчаси ахборотдан фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли бўлишини таъминлаган ҳамда биологик активларни бизнес жараёнларидаги биотрансформацияланиши бўйича операцияларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ ахборотларининг батафсиллиги, объективлиги ва ишончлилигини янада оширишга хизмат қилган;

биологик активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда «1-даражали», «2-даражали» ва «3-даражали» маълумот манбаларидан фойдаланиш ҳамда аниқланган қийматдан уни сотиш билан боғлиқ кутилаётган харажатларни чегириш орқали биологик активларни молиявий ҳисоботда акс эттириладиган қийматини шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Urganch yog'-moу» АЖ томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия

вазирлигининг 2024 йил 13 июндаги 08/43-2-12424-сон, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2024 йил 1 мартдаги №03/3-56-сон, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш марказининг 2024 йил 5 мартдаги 34-сон, «Urganch yog'-moy» АЖнинг 2024 йил 5 январдаги 12-сон маълумотномалари). Натижада, биологик активларни ҳаққоний қийматда баҳолаш ва молиявий ҳисоботда маълумотларни ёритиб бериш имконини берган ҳамда биологик активлар қиймати тўғрисидаги ахборотлар молиявий ҳисоботда тўғри тақдим этилишини ва ахборотдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлишини таъминлаган;

биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш мақсадида алоҳида 6040 - «Биологик активларни кирим қилишда тан олинган даромадлар», 6050 - «Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда», 7040 - «Қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатлари» ва 7050 - «Биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан зарар» ишчи счётиларини очиш таклифи Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Urganch yog'-moy» АЖ томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2024 йил 1 мартдаги №03/3-56-сон, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш марказининг 2024 йил 5 мартдаги 34-сон, «Urganch yog'-moy» АЖнинг 2024 йил 5 январдаги 12-сон маълумотномалари). Натижада, биологик активларни кирим қилишда тан олинган даромадлар ва уларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда суммасини, қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатларини, биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан зарар суммасини ҳисобга олиш имконини берган;

тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатининг «Умумий қоидалар», «Бухгалтерия ҳисоби», «Солиқ ҳисоби» ва «Яқуний қоидалар» қисмларидан иборат таркибий тузилмаси ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби» қисми «Услубий масалалар» бўлимида қишлоқ хўжалиги фаолияти бўйича «Биологик активлар» ва «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини» алоҳида ҳисобга олиш тартибини киритиш асосида такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Urganch yog'-moy» АЖ томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2024 йил 1 мартдаги №03/3-56-сон, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш марказининг 2024

йил 5 мартдаги 34-сон, «Urganch yog‘-moy» АЖнинг 2024 йил 5 январдаги 12-сон маълумотнома-лари). Натижада, тадбиркорлик субъектлари ҳисоб сисъатининг таркибий тузилиши мантиқан изчил шаклланиши ва молия-хўжалик фаолиятини тўлиқ камраб олиш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилиш ва уларни сотишда тан олинадиган даромадларни ҳисобга олиш мақсадида алоҳида 6060 - «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадлар» ва 6070 - «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда тан олинадиган қўшимча даромадлар» ишчи счётларини очиш таклифи Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Urganch yog‘-moy» АЖ томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасининг 2024 йил 1 мартдаги №03/3-56-сон, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш марказининг 2024 йил 5 мартдаги 34-сон, «Urganch yog‘-moy» АЖнинг 2024 йил 5 январдаги 12-сон маълумотномалари). Натижада, биологик активлардан олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадларни ҳамда уларни сотишда тан олинадиган қўшимча даромадларни алоҳида ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилилик даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 1 та монография, 2 та ЭҲМ дастури учун гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, шундан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий

қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олишнинг назарий ва норматив-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобда қишлоқ хўжалиги фаолиятининг иқтисодий моҳияти ва уни ҳисобга олишнинг объектив зарурати, қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ активларнинг таснифланиши, қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олишнинг норматив-ҳуқуқий асослари ёритилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорида бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Миллий ҳисоб тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича қўйилаётган вазифалар ижросини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича мавжуд назарий, норматив-ҳуқуқий, услубий ва амалий муаммоларни бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришни талаб этади.

Монографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бухгалтерия ҳисоби объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий асарларида биологик актив тушунчасига қуйидагича таърифлар ва ёндашувлар келтирилган. Хусусан, 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» номли БҲХСда «биологик активлар - бу тирик ҳайвонлар ёки ўсимликлардир»⁶ деб таъриф берилган.

5-сон «Қишлоқ хўжалиги» номли миллий бюджет ҳисоби стандарти (БҲС)да ҳам «биологик актив – ҳайвонлар ёки ўсимликлар»⁷ дея баён қилинган.

Хорижлик иқтисодчи олимлар N.W.Widiyanti, B.Maharani ва I.Purnamawati «Биологик активлар - бу биологик трансформацияга учраган ўсимликлар ва ҳайвонлар»⁸ эканлигини таъкидлаган ҳолда, уларни тўғри ҳисобга олиш усулидан фойдаланган ҳолда тан олиниши, ўлчаниши ва ошкор этилишини талаб қилади, деб ёзишади.

Иқтисодчи олим В.Ф.Палийнинг ёзишича, «биологик активлар - бу қишлоқ хўжалиги фаолияти учун, яъни ҳозир ва келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олиш мақсадида сотиш, алмаштириш ёки уларни сонини кўпайтириш учун қўлланиладиган ўсимликлар ва ҳайвонлардир»⁹.

Иқтисодчи олим Б.Ю.Менгликуловнинг ёндашувига кўра «Биологик активлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки бошқа биологик

⁶ Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (41-сон БҲХС) «Қишлоқ хўжалиги» <https://lex.uz/docs/6312360>

⁷ Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисоби стандарти (5-сонли БҲС) «Қишлоқ хўжалиги» <https://lex.uz/uz/docs/4124747>

⁸ N.W.Widiyanti, B.Maharani, I.Purnamawati. Accounting Treatment of Biological Assets for Agricultural Companies in Jember and Bondowoso. Journal of Finance & Banking Studies 7(2), 2018: 58-65 pp.

⁹ В.Ф.Палий Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2011. -417 с.

активларни берадиган тирик ўсимликлар ёки ҳайвонлар бўлиб, бунда биотрансформациядан фойдаланилади»¹⁰.

Юқорида шарҳланган манбаларда биологик актив тушунчасига берилган таъриф ва ёндашувлардан кўриш мумкинки, уларда биологик активлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бериши, қўшимча биологик активларни ишлаб чиқаришга қодир бўлиши, биологик трансформацияга учраши, иқтисодий наф келтириши, келгусида корхона фаолияти жараёнида фойдаланиш мумкинлиги каби ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилган. Албатта, юқоридаги манбаларда келтирилган таърифлар ва ёндашувлар эътиборга лойиқ ҳисобланади. Бироқ, бухгалтерия ҳисоби нуқтаи-назаридан биологик активлар моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Шу боис, «биологик актив» тушунчасига бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан ҳисоб объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида қуйидагича муаллифлик ёндашуви шакллантирилди: «Биологик актив – бу қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ва қўшимча биологик активлар олиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган, ишончли баҳолаш ва назорат қилиш мумкин бўлган, келгусида иқтисодий наф келтирадиган активдир».

«Биологик актив» тушунчасига юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган таърифлар ва иқтисодчи олимларнинг ёндашувларидан бизнинг ёндашувимиз қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади. Биринчидан, биологик активдан қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ва қўшимча биологик активлар олиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятида фойдаланиш натижасида ўсиш (биологик активлар миқдорини ошириш ёки сифатини яхшилаш) ёки такрор ишлаб чиқариш жараёнида кўпайиши (қўшимча биологик активларнинг олинishi) билан боғлиқ биологик трансформация жараёни содир бўлади. Унинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва янги биологик актив олинади. Масалан, қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида қорамол биологик актив ҳисобланади. Ушбу қорамолдан тайёр маҳсулот сифатида олинган сут қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобланса, олинган насл (бузоқ) янги биологик активдир. Иккинчидан, биологик актив қиймати ишончли баҳоланса, уни тўлиқ назорат қилиш имконияти ва у билан боғлиқ келгусида иқтисодий наф келиши эҳтимоли мавжуд бўлсагина, актив сифатида тан олинади ҳамда молиявий ҳисобот элементи сифатида акс эттирилади.

Хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари биологик активларни 41-сон БҲҲС талаблари асосида фаолият соҳаси, фойдаланиш муддати, истеъмолга мўлжалланган ва ҳосилдор ҳамда етуклик даражаларига кўра таснифлаган ҳолда тавсифлаб беришган. Албатта, уларнинг ёндашувлари ҳам услубий, ҳам амалий жиҳатдан аҳамиятга молик ҳисобланади. Бироқ, уларнинг ёндашувлари асосан биологик активларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Бу эса, тадбиркорлик субъектларида биологик активлар

¹⁰ Б.Ю.Менгликулов Чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Т.: 2023. – 33 б.

бухгалтерия ҳисоби объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида бизнес жараёнларининг ҳар бир босқичидаги ҳаракатини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш имконини бермайди. Шу боис, бизнинг фикримизча биологик активларни тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти бизнес жараёнларидаги биотрансформацияланиши бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда бухгалтерия ҳисоби объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида таснифлаш таклиф этилди.

Мазкур таснифланишда биологик активларнинг бизнес жараёнларидаги ҳаракати бўйича таснифий гуруҳлари ва белгилари бўйича бухгалтерия операциялари келтириб ўтилган. Хусусан, таъминот жараёнида биологик активларнинг кирими билан боғлиқ операциялар ҳисобга олинади ва молиявий ҳисоботда иқтисодий мазмунига кўра узоқ муддати ёки жорий активлар сифатида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида биологик активлардан молия-хўжалик фаолиятида фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик операциялари ҳисобга олинади. Бунда биологик активлар фойдаланиш соҳаси, фойдаланиш муддати, фойдаланиш йўналиши ва фойдаланишга яроқлилиги бўйича гуруҳларга ажратилган ҳолда ҳисобга олинади ва молиявий ҳисоботда акс эттирилади.

Реализация жараёнида биологик активлар чиқими ва чиқиб кетиш йўналишлари бўйича ҳисобга олинади. Яъни, бунда биологик активларнинг реализация қилиниши ва бошқа операциялар натижасида чиқиб кетиши билан боғлиқ бухгалтерия операциялари ҳисобга олинади ҳамда молиявий натижа кўрсаткичлари шакллантирилган ҳолда молиявий ҳисоботда акс эттирилади.

Фикримизча, биологик активларни таклиф этилаётган таснифланиши ва бизнес жараёнларидаги биотрансформацияланиши бўйича ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аниқ шакллантириш имконини беради. Бу эса, биологик активларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг батафсиллиги, объективлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

«Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш методологияси» деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тартибини ҳисоб сиёсатида акс эттириш, хусусан қишлоқ хўжалиги фаолиятида фойдаланилаётган асосий воситалар ҳисоби ва ҳаққоний қийматни аниқлаш имкони бўлмаган биологик активларни ҳисобга олиш каби масалалар тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадбиркорлик субъектлари МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга ўтиши натижасида, қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришда янги иқтисодий категорияларнинг, жумладан, қишлоқ хўжалиги фаолияти, биологик актив, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, ҳосилдор биологик активлар, биологик трансформация ва қишлоқ хўжалиги ҳосили йиғими каби тушунчаларнинг

кириб келиши ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятининг ўзига хос (технологик, биологик ёки иқлим ўзгаришлари) хусусиятлари бухгалтерия ҳисоби олдига янги талабларни қўйиши ҳам қишлоқ хўжалик фаолияти ҳисобини тўғри ташкил этиш, юритиш ва самарали бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳисоб сиёсатини тўғри шакллантириш заруратини кучайтиради. Чунки, ҳисоб сиёсати қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобини объектив акс эттириш, бошқариш самарадорлигини таъминлашда ҳамда тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсатининг таркибий тузулмаси бўйича иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари ва монографик тадқиқот объекти бўлган Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги «Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази»да ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатини танқидий таҳлилидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектлари ҳисоб сиёсатининг «Умумий қоидалар», «Бухгалтерия ҳисоби», «Солиқ ҳисоби» ва «Якуний қоидалар» қисмларидан иборат такомиллашган таркибий тузилмаси таклиф этилди.

Илмий-услубий манбалар ва амалиётни ўрганиш шуни тасдиқлайди-ки, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги «Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази» ҳисоб сиёсатида белгиланган қоидалар ахборотдан фойдаланувчиларни қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ бухгалтерия ахборотлари билан тўлиқ таъминламайди. Шу сабабли, бухгалтерия ҳисоби объектларини, жумладан қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш тартибини ҳисоб сиёсатининг «Бухгалтерия ҳисоби» қисми «Услубий масалалар» бўлимида қуйидагича очиқ бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Қишлоқ хўжалиги фаолияти: қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид атамалар тавсифи; қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли активларнинг таснифланиши; қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари.

1. Биологик активлар:

1.1. Узоқ муддатли биологик активлар: узоқ муддатли биологик активларнинг таснифи; узоқ муддатли биологик активларни тан олиш ва баҳолаш тартиби; узоқ муддатли биологик активлар киримини ҳисобга олиш; узоқ муддатли биологик активларнинг молия-хўжалик фаолиятдаги ҳаракатини ҳисобга олиш; узоқ муддатли биологик активларнинг амортизацияси ва қадрсизланиши; узоқ муддатли биологик активлар чиқимини ҳисобга олиш; узоқ муддатли биологик активлар ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобда акс эттириш тартиби; узоқ муддатли биологик активларга доир маълумотларни молиявий ҳисоботда ёритиб бериш.

1.2. Жорий биологик активлар: жорий биологик активларнинг таснифи; жорий биологик активларни тан олиш ва баҳолаш тартиби; жорий биологик активлар киримини ҳисобга олиш; жорий биологик активларнинг молия-хўжалик фаолиятдаги ҳаракатини ҳисобга олиш; жорий биологик

активларнинг қадрсизланиши; жорий биологик активлар чиқимини ҳисобга олиш; жорий биологик активлар ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобда акс эттириш тартиби; жорий биологик активларга доир маълумотларни молиявий ҳисоботда ёритиб бериш.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти: қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таснифи; қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тан олиш ва баҳолаш тартиби; қишлоқ хўжалиги маҳсулоти киримини ҳисобга олиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг молия-хўжалик фаолиятидаги ҳаракатини ҳисобга олиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулоти чиқимини ҳисобга олиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобда акс эттириш тартиби; қишлоқ хўжалиги маҳсулотига доир маълумотларни молиявий ҳисоботда ёритиб бериш.


Фикримизча, тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб сиёсатида ҳисоб объектлари, хусусан қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тартиби юқоридаги каби ёритиб берилиши, ундан фойдаланувчилар учун аҳамиятли, ишончли, тушунарли ва содда бўлишини таъминлайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, тадбиркорлик субъектларида биологик активлар сотиш, қишлоқ хўжалиги ҳосилига ёки қўшимча биологик активларга айлантириш мақсадида фойдаланилсагина, улар 41-сон БҲХСнинг қўллаш доирасига киради. Мазкур талабларга жавоб бермайдиган биологик активлар 16-сон «Асосий воситалар» номли БҲХС талаблари асосида асосий воситалар сифатида тан олинади. Бундай активлар БҲХСларга мувофиқ ҳосилдор ўсимликлар ҳисобланади (1-расм).

1-расмга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари асосий воситалар сифатида тан олинган ҳосилдор ўсимликларга эскириш ҳисоблашлари лозим. Бунда ҳосилдор ўсимликнинг амортизацияланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида тизимли асосда тақсимлаш учун эскириш ҳисоблашнинг турли усулларида фойдаланиш мумкин.

Албатта, ҳосилдор ўсимликларга эскириш ҳисоблаш учун тадбиркорлик субъекти томонидан танланган усул, улардан келгусида олинадиган иқтисодий нафни кутилаётган истеъмолнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда акс эттириши керак. Тадбиркорлик субъекти томонидан танланган усул эса, унинг ҳисоб сиёсатида белгилаб қуйилиши зарур.

Ҳосилдор ўсимликларга ҳисобот даврида ҳисобланган эскириш суммаси улардан йиғиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархига киритилади ва улардан фойдаланиш даврида жамғарилган эскириш суммаси, ҳосилдор ўсимликларнинг баланс қийматини ҳисоблашда чегириб ташланади, яъни ҳисобот даври охирига тайёрланган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ҳосилдор ўсимликларнинг қиймати, улар бўйича жамғарилган эскириш суммаси чегирилган ҳолда акс эттирилади. Ҳосилдор ўсимликларнинг эскириши ва ундаги ўзгаришлар эса, молиявий ҳисоботга изоҳларда батафсил ёритиб берилади.



1-расм. Биологик активларнинг асосий воситалар сифатида тан олиниши ва эскириш ҳисоблаш мезонлари бўйича туркумланиши¹¹

Шундай қилиб, асосий воситалар сифатида тан олинган ва эскириш ҳисобланган ҳосилдор ўсимликларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича амалий тавсияларнинг инобатга олиниши қуйидагиларга имкон яратади: биологик активлар ҳисобланган ҳосилдор ўсимликларни асосий воситалар сифатида тан олиш, уларга эскириш ҳисоблаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг шаффофлиги ва ишончлилигини янада ошириш; ҳосилдор ўсимликларга эскириш ҳисоблашда уларнинг фойдали хизмат муддати фойдаланиши кутилаётган давр ёки улардан олиниши кутилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан келиб чиққан ҳолда профессионал ёндашув орқали амалга ошириш; шунингдек, ҳар ҳисобот йилининг охирида уларнинг тугатиш қиймати ва фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш, агарда маълум бир технологик, биологик ёки иқлим ўзгаришлари натижасида кўзланган иқтисодий наф бўйича кутишлар олдинги белгиланган ҳисоб баҳоларидан фарқ қилса, бундай ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХС «Ҳисоб

¹¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

сийсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар»га мувофиқ ҳисобга олиш.

Диссертациянинг «Биологик активлар ҳисоби методологиясини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида биологик активларни тан олиш ва баҳолашнинг услубий асослари, биологик активлар ҳисобининг услубий жиҳатлари, биологик активларни молиявий ҳисоботда акс эттириш тартиби масалалари тадқиқ қилинган ҳамда уларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, иқтисодчи олимларнинг биологик активларни тан олиш ва баҳолаш бўйича ёндашувларини эътироф этган ҳолда 13-сон «Ҳаққоний қийматни баҳолаш» номли МҲХСга мурожаат қиладиган бўлсак, унда «Мазкур МҲХС ҳаққоний қийматни баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олиниши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх сифатида таърифлайди»¹² дея тавсифланган.

13-сон МҲХСда белгиланган ҳаққоний қиймат иерархиясига мувофиқ ҳаққоний қийматни баҳолаш ҳамда ёритиб бериладиган маълумотларда изчиллик ва қиёсланувчанликни таъминлаш мақсадида биологик активларнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган маълумот манбаларини ҳам унга даражали тоифага ажратиш таклиф қилинди (2-расм).



2-расм. Биологик активлар ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган маълумот манбаларининг туркумланиши¹³


Шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъекти биологик активлар ҳаққоний қийматини баҳолашда қўллаш учун етарли маълумот мавжуд бўлганда, баҳолаш усулларида фойдаланишлари керак бўлади.

Монографик тадқиқот натижаларига кўра, қишлоқ хўжалиги фаолиятида фойдаланилаётган активларни, хусусан биологик активларнинг ҳаққоний

¹² Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида”ги 61-сон буйруғига 39-илова. <https://lex.uz/uz/docs/6312360>


¹³ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қийматини баҳолашда бозор ёндашувига асосланган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу боис, биологик активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда бозор ёндашувига асосланган қуйидаги баҳолаш усулларидан фойдаланишни таклиф этамиз (3-расм).



3-расм. Биологик активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда бозор ёндашувига асосланган баҳолаш усуллари¹⁴

Шу билан бирга, биологик активнинг молиявий ҳисоботда акс эттириладиган қиймати, унинг ҳаққоний қийматидан уни сотиш билан боғлиқ кутилаётган харажатларни чегириш асосида шакллантирилади ҳамда молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчиларга мазкур қиймат бўйича маълумотлар ошқор қилинади. Шу ўринда, биологик активларнинг молиявий ҳисоботда акс эттириладиган қийматини шакллантиришнинг қуйидаги моделини таклиф қиламиз (4-расм).



4-расм. Биологик активларнинг молиявий ҳисоботда акс эттириладиган қийматини шакллантириш модели¹⁵

¹⁴ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁵ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, биологик активларни тан олиш, баҳолаш, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботда акс эттиришда юқоридаги таклифларнинг инobatга олиниши қуйидагиларга имкон беради: биологик активларни ҳаққоний қийматда баҳолаш ҳамда ёритиб бериладиган маълумотларда изчиллик ва қиёсийлик таъминлаш; баҳолаш санасида қўлланилиши мумкин бўлган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда биологик активларнинг ҳар бир тури (гуруҳи) бўйича ўринли баҳолаш усуллари танлаш ва уларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган маълумот манбаларини ҳисоб сиёсатида акс эттириш ҳамда молиявий ҳисоботда маълумотларни ёритиб бериш; биологик активлар қиймати тўғрисида ахборот молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилишини ва ахборотдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлишини таъминлаш.

Маълумки, биологик активлар таркибига кирувчи ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар ҳамда ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун 21-сон БҲМСда алоҳида счётлар белгиланган. Бирок, МҲХСда биологик активларни ҳисобга олиш учун алоҳида счётлар белгилаб қўйилмаган. Чунки, МҲХС қоидалари бухгалтерия ҳисобини юритиш мақсадида эмас, балки ўринли ҳамда ҳаққоний тақдим этилган ахборотларни ўз ичига оладиган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилади. Шу сабабли, МҲХС асосида молиявий ҳисоботни тузувчи тадбиркорлик субъектларида биологик активлар ва улар билан боғлиқ хўжалик операцияларини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича услубий кўрсатмаларга зарурат вужудга келади. Шундан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларида биологик активлар билан боғлиқ операциялар натижасида тан олиниши лозим бўлган даромад ва харажатларни ҳисобга олишда фойдаланиш учун қуйидаги ишчи счётларни таклиф қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал


Биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишда фойдаланиш учун таклиф қилинаётган ишчи счётлар¹⁶

Счёт рақами	Счётлар номи	Счёт тури	Тавсифи
6000	Даромадлар		
6040	Биологик активларни кирим қилишда тан олинadиган даромадлар	Т	Бу счёт биологик активларни кирим қилишда тан олинadиган даромадлар суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.
6050	Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда	Т	Бундан биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.
7000	Таннарх		
7040	Қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатлари	Т	Бу счётдан қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатлари суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.
7050	Биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан зарар	Т	Бундан биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан зарар суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.

¹⁶ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Албатта, тадбиркорлик субъектлари юқоридаги ишчи сётларнинг тартиб рақамидан фойдаланмасликлари мумкин. Шу сабабли, улар ўзлари томонидан ишлаб чиқилган ишчи сётлар режасига мос сёт рақамини киритган ҳолда таклиф этилаётган ишчи сётларнинг номланиши бўйича акс эттиришлари керак деб ҳисоблаймиз.

Юқорида таклиф этилган ишчи сётлар асосида тадбиркорлик субъектларида биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш алгоритми ишлаб чиқилди (5-расм).



5-расм. Биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш алгоритми¹⁷

¹⁷ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, тадбиркорлик субъектларида биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни алоҳида ишчи счётларда юритилиши, қишлоқ хўжалиги фаолияти бўйича молиявий натижаларни тўғри шакллантириш, молиявий ҳисобот ва у билан бирга чоп этиладиган маълумотларда ошкор қилинадиган ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончилигини янада оширишга ҳамда жорий назоратни кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, монографик тадқиқот объектларида биологик активларни молиявий ҳисоботда акс эттириш ҳамда изоҳларда маълумотларни ёритиб бериш тартиби ўрганилганда қуйидаги натижаларга эга бўлинди (2-жадвал).

2-жадвал

Қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларида биологик активлар динамикасининг таҳлили¹⁸

Кўрсаткичлар	Ҳисобот санаси					01.01.2023 йилда 01.01.2019 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	
«КАТТАҚО‘РГ‘ОН YOG‘ MOY» акциядорлик жамияти (АЖ)						
<i>I. Узоқ муддатли активлар</i>						
Асосий воситалар, минг сўм	22904559	22529515	28162244	23609280	21692502	-1212057
Биологик активлар, минг сўм	-	-	190799	303778	3638	+3638
<i>II. Жорий активлар</i>						
Захиралар, минг сўм	33915733	54798325	37670501	7693516	5729747	-28185986
Биологик активлар, минг сўм	-	-	462877	360993	360993	+360993
«URGANCH YOG‘-MOY» акциядорлик жамияти (АЖ)						
<i>I. Узоқ муддатли активлар</i>						
Асосий воситалар, минг сўм	38402646	37223602	55886614	56597227	54163388	+15760742
Биологик активлар, минг сўм	-	-	548883	383885	627197	+627197

«КАТТАҚО‘РГ‘ОН YOG‘ MOY» АЖ МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритувчи ва молиявий ҳисоботни тайёрловчи тадбиркорлик субъекти бўлиб, қишлоқ хўжалиги фаолияти билан ҳам шуғулланади. Акциядорлик жамиятида миллий стандартларга асосан бухгалтерия балансининг узоқ муддатли активлар бўлимида асосий воситалар таркибида кўрсатиладиган биологик активлар, МҲХСнинг жорий қилиниши натижасида асосий воситалар таркибидан ажратилган ҳолда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида биологик актив сифатида акс эттирилмоқда. Жумладан,

¹⁸ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

узоқ муддатли активлар сифатида таснифланган биологик активлар акциядорлик жамиятида 2021 йилда 190799,0 минг сўмни, 2022 йилда 303778,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 3638,0 минг сўмга тенг бўлган.

Жорий активлар сифатида таснифланган биологик активлар ҳам МҲХСнинг жорий қилиниши натижасида товар-моддий захиралар таркибидан ажратилган ҳолда алоҳида биологик активлар сифатида молиявий ҳисоботда акс этирилмоқда. Мазкур биологик активлар 2021 йилда 462877,0 минг сўмга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2022 ва 2023 йилларда мос равишда 360993,0 минг сўмни ташкил этган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, МҲХСда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тақдим қилиниши талаб этиладиган ахборотларнинг минимал таркиби белгиланган. Шу сабабли, миллий ва халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда МҲХС талаблари асосида биологик активларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагича акс этиришни таклиф қиламиз (3-жадвал).

3-жадвал

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда биологик активларни акс этиришнинг таклиф этилган варианты¹⁹

Кўрсаткичлар / Indicators	Эслатма / Notes	01.01.2022	01.01.2023
Активлар / Assets			
I. Узоқ муддатли активлар / Non-current assets			
Биологик активлар Biological assets	7	303778	3638
Жами узоқ муддатли активлар Total non-current assets		28198016	25886332
II. Жорий активлар / Current assets			
Биологик активлар Biological assets	12	360 993	360 993
Жами жорий активлар Total current assets		11141597	18195561
Жами активлар / Total assets		39339612	44081893

Маълумки, 1-сон «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш» БҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботлар тўлиқ тўплами таркибига кирувчи изоҳларда аҳамиятли ҳисоб сиёсатларининг ва бошқа тушунтириш маълумотларининг қисқа баёни келтириши белгиланган. Ўз навбатида, 41-сон БҲХСда молиявий ҳисоботда биологик активлар билан боғлиқ маълумотларни ҳам ёритиб бериш таъкидланган. Лекин, амалиётда биологик активларни бундай туркумлаш ва молиявий ҳисоботда акс этиришнинг ягона услубий

¹⁹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таъминоти мавжуд эмас. Тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисоботда жорий давр бошидаги ва охиридаги биологик активларнинг баланс қийматидаги ўзгаришларнинг мазкур солиштирмасининг аниқ шакли бўлмаганлиги боис, амалиётда ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўзида мавжуд биологик активлардан келиб чиқган ҳолда умумлаштирилган маълумотларни ёритиб бермоқда. Хусусан, монографик тадқиқот объекти бўлган «URGANCH YOG‘-MOY» акциядорлик жамияти томонидан молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда биологик активлар тўғрисида маълумотлар куйидагича ёритиб берилган (4-жадвал).

4-жадвал

«URGANCH YOG‘-MOY» АЖ молиявий ҳисоботида биологик активлар бўйича маълумотларнинг ёритиб берилиши тўғрисида маълумот²⁰

<i>1. Маҳсулдор биологик активлар миқдори куйида келтирилган (бирликда):</i>			
	Қорамол	Товуқлар	
<i>01.01.2021 йил ҳолатига</i>	107	-	
Қўшилганлар	16	-	
Чиқиб кетганлар	(58)	-	
<i>01.01.2022 йил ҳолатига</i>	65	-	
Қўшилганлар	21	5400	
Чиқиб кетганлар	(3)	(493)	
<i>01.01.2023 йил ҳолатига</i>	83	4907	
<i>2. Биологик активларнинг қолдиқ қиймати ўзгариши куйида келтирилган (минг сўмда):</i>			
	Қорамол	Товуқлар	Жами
<i>01.01.2021 йил ҳолатига</i>	548883	-	548883
Қўшилганлар	24000	-	24000
Биологик трансформация натижасида ҳаққоний қийматининг ўзгариши	182715	-	182715
Чиқиб кетганлар	(371713)	-	(371713)
<i>01.01.2022 йил ҳолатига</i>	383885	-	383885
Қўшилганлар	31500	39240	70920
Биологик трансформация натижасида ҳаққоний қийматининг ўзгариши	78580	128401	206981
Чиқиб кетганлар	(20380)	(14209)	(34589)
<i>01.01.2023 йил ҳолатига</i>	473585	153612	627197

4-жадвалда биологик активлар миқдори ва уларнинг қолдиқ қиймати ўзгариши, яъни қўшилганлар ва чиқиб кетганларнинг миқдор ва қиймат кўрсаткичлари асосида маълумотлар умумлашган тарзда шакллантирилган ҳолда берилган. Бу эса, молиявий ҳисобот ахборотидан фойдаланувчиларга иқтисодий қарорлар қабул қилиши учун аниқ ва ишончли маълумотлар билан таъминлаш имконини бермайди. Шу боис, тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган биологик активлар бўйича ҳар бир гуруҳининг таснифини таъминлаган ҳолда маълумотларни ёритиб бериш учун ҳисобот санаси бошига ва охиридаги баланс қийматидаги

²⁰ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзгаришлар солиштирмасини қуйидаги шаклда тақдим этиш таклиф этилди (5-жадвал).

5-жадвал

**Биологик активларнинг баланс қийматидаги ўзгаришлар тўғрисида
СОЛИШТИРМА²¹**

Кўрсаткичлар	Биологик актив (Қорамол)*		Жами
	Миқдори	Қиймати, минг сўмда	
Баланс қиймати 01.01.2021 йил	107	548883	548883
Сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматдаги ўзгариш (фойда ёки зарар)	-	-	-
Биотрансформация натижасида ҳаққоний қийматнинг ўзгариши	-	182715	182715
Сотиб олиш	-	-	-
Сотиш ёки сотиш учун мўлжалланган	(58)	(371713)	(371713)
Маҳсулотни йиғиш ҳисобига	-	-	-
Бизнес бирлашувлари натижаси	-	-	-
Биологик активларнинг ташкилот ичида кўпайиши	16	24000	24000
Бошқа ўзгаришлар	-	-	-
Баланс қиймати 01.01.2022 йил	65	383885	383885
Сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматдаги ўзгариш (фойда ёки зарар)	-	-	-
Биотрансформация натижасида ҳаққоний қийматнинг ўзгариши	-	78580	78580
Сотиб олиш	-	-	-
Сотиш ёки сотиш учун мўлжалланган	(3)	(20380)	(20380)
Маҳсулотни йиғиш ҳисобига	-	-	-
Бизнес бирлашувлари натижаси	-	-	-
Биологик активларнинг ташкилот ичида кўпайиши	21	31500	31500
Бошқа ўзгаришлар	-	-	-
Баланс қиймати 01.01.2023 йил	83	473585	473585

*Биологик активларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида маълумотлар ёритиб берилди ва кўрсаткичларни миқдор ва қиймат жиҳатдан умумлаштирган ҳолда жами устунида жамланган ҳолда кўрсатилади.

Бу албатта, иқтисодий ресурсларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги бухгалтерия ахборотларининг объективлигини таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, биологик активларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш, унинг элементлари ва уларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича маълумотларни ёритиб бериш бўйича 41-сон БҲХСда белгиланган талаблар тўлиқ бажарилишини ҳамда ахборотларнинг янада батафсиллиги, шаффофлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

²¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини баҳолаш ва ҳисобга олишнинг услубий ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятида олинган маҳсулот ҳисоби масалалари тадқиқ қилинган ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Миллий амалиётга эътибор қаратадиган бўлсак, МҲҲС асосида молиявий ҳисоботни тайёрловчи тадбиркорлик субъектларида биологик активлардан олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғим пайтида ва сотишда, улар билан боғлиқ даромад ва харажатларни ҳам асосий фаолият харажатлари ва даромадлари сифатида тан олинган ҳолда молиявий ҳисоботда маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ва сотилган маҳсулотлар таннархида акс эттирилмоқда. Фикримизча, бундай ёндашув тўғри ёндашув ҳисобланмайди. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган ва сотишда тан олинадиган даромадларнинг бундай тартиби ахборотдан фойдаланувчиларга ишончли маълумот олиш ва бошқарув учун оқилона қарорлар қабул қилиш имконини бермайди. Шу боис, тадбиркорлик субъектларида биологик активлардан олинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадлар ва сотишда тан олинадиган қўшимча даромадларни тўғри ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш мақсадида ҳисоб сиёсатининг элементи бўлган «Ишчи счётлар режаси»да алоҳида қуйидаги ишчи счётларни очишни таклиф этамиз (6 - жадвал).

6-жадвал


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадлар ва сотишда тан олинадиган қўшимча даромадларни ҳисобга олишда фойдаланиш учун таклиф қилинаётган ишчи счётлар²²

Счёт рақами	Счётлар номи	Счёт тури	Тавсифи
6000	Даромадлар		
6060	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадлар	Т	Бу счётдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадлар суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.
6070	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда тан олинадиган қўшимча даромадлар	Т	Бу счётдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда тан олинадиган қўшимча даромадлар суммасини ҳисобга олишда фойдаланилади.

Мазкур ишчи счётларнинг тартиб рақамларидан тадбиркорлик субъектлари фойдаланмасликлари мумкин. Шу боис, ҳар битта тадбиркорлик субъектида ҳисоб сиёсатининг таркибий элементи сифатида тасдиқланган «Ишчи счётлар режаси»га мос счёт рақамини киритган ҳолда таклиф этилаётган ишчи счётларнинг номланиши бўйича акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

²² Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадлар ва сотишда тан олинадиган қўшимча даромадларни ҳисобга олиш ҳамда улар билан боғлиқ молиявий натижаларни шакллантириш алгоритмини қуйидагича акс эттириш лозим (6-расм).



6-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилиш ва сотишда тан олинадиган даромадларни ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш алгоритми²³

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилиш ва уларни сотишда тан олинадиган даромадларни алоҳида ишчи счётларда ҳисобга олиш, биологик активлардан олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадларни ҳамда уларни сотишда тан олинадиган қўшимча даромадларни алоҳида ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиқ даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, олиб борилган монографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалик фаолияти натижалари асосида олинган қўшимча маҳсулотлар деярли ҳисобга олинмайди. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатлар асосий маҳсулот таннархига

²³ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

киритилмоқда. Хусусан, монографик тадқиқот объектларидан бири бўлган «МЕННАТ ВАХТЛИ СУТ» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ)да ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш учун қилинган барча харажатлар асосий маҳсулот таннархига киритилган ҳолда ҳисобга олиниб, молиявий ҳисоботда акс эттирилмоқда. Фикримизча, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини бундай тартибда ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тўғри ёндашув ҳисобланмайди.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларидаги ҳамда амалиётдаги ёндашувларни эътироф этган ҳолда, фикримизча, тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни асосий ва қўшимча тайёр маҳсулотлар таннархига тақсимлаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришни қуйидаги тартибда олиб бориш лозим:

биринчидан, тадбиркорлик субъекти ўзининг ҳисоб сиёсатида асосий маҳсулотдан ташқари олинган қўшимча маҳсулотни ҳисобга олиш, таннархини аниқлаш усуллари (қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда сотиш ёки қўшимча маҳсулотни ҳақиқатда ишлаб чиқариш)ни белгилаши лозим. Бу албатта, ундан фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли бўлишини таъминлайди;

иккинчидан, 4-сонли «Товар-моддий захиралар» номли БҲМС²⁴ ва 2-сон «Захиралар» номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида (БҲХС)²⁵ белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ ҳисобот даврида сотилмаган қўшимча маҳсулот қолдиғини реализация қилишнинг соф қиймати бўйича ҳисобга олиш лозим. Шу билан бирга, қўшимча маҳсулот қолдиғини ҳақиқатда реализация қилиш суммаси қўшимча маҳсулот реализация қилинганда тан олинади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошириш жараёнида қилинган харажатлар, уларни олинган асосий ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида тақсимлаш ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришда юқоридаги амалий тавсияларнинг инобатга олиниши қуйидагиларга имкон яратади:

тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тан олиш, баҳолаш, кирими ва чиқими билан боғлиқ операцияларни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарт-ларида белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ ҳисобга олиш тартибини белгилаш;

тадбиркорлик субъектларида асосий маҳсулотдан ташқари олинган қўшимча маҳсулотларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда тўғри акс эттиришни таъминлаш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларини олинган қўшимча маҳсулот таннархига тўғри тақсимлаш орқали молиявий натижаларни аниқ шакллантириш.

²⁴ Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сон БҲМС) “Товар-моддий захиралар”. <https://lex.uz/docs/4890446>

²⁵ Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (2-сон БҲМС) “Захиралар”. https://mhxs.edu.uz/kutubxona/IAS_2_Uzb.pdf

ХУЛОСА

Қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ муаммолар тизимлаштирилган тарзда таснифланди ва тавсифлаб берилди ҳамда уларни ҳал этиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда асосланди. Албатта, қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш билан боғлиқ мавжуд муаммолар қишлоқ хўжалиги фаолиятини тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олишнинг объектив заруратини кўчайтиради, кўрсатилган йўналишлар бўйича тизимли равишда илмий тадқиқотларни амалга оширилиши, қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобининг методологиясини такомиллаштириш имконини беради.

2. «Биологик актив» тушунчасининг илмий таърифига бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилди. Биологик активларни тадбиркорлик субъектларида бизнес жараёнлари ва молия-хўжалик фаолиятидаги ҳаракати бўйича гуруҳларга ажратган ҳолда бухгалтерия ҳисоби объекти ва молиявий ҳисобот элементи сифатида таснифлаш таклиф этилди. Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши «биологик актив» тушунчаси ахборотдан фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли бўлишини таъминлайди ҳамда биологик активларни бизнес жараёнларидаги ҳаракати бўйича операцияларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аниқ шакллантириш имконини беради.

3. Тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги фаолиятини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш мақсадида МХҲСга уйғунлашган МХМСни ишлаб чиқиш ва унда қишлоқ хўжалик фаолияти ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришини таъминлайдиган «Умумий қоидалар», «Тан олиш», «Баҳолаш», «Фойда ва зарарлар», «Маълумотларни ёритиб бериш» бўлимларидан иборат таркибий тузилиши таклиф этилди. Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши МХМСнинг таркибий тузилиши мантиқан изчил шаклланиши ва қишлоқ хўжалиги фаолиятининг барча жиҳатларини тўлиқ қамраб олинишини таъминлайди.

4. Тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш тартибини такомиллаштириш мақсадида унинг «Умумий қоидалар», «Бухгалтерия ҳисоби», «Солиқ ҳисоби» ва «Яқуний қоидалар» қисмларидан иборат таркибий тузилмаси ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби» қисми «Услубий масалалар» бўлимида қишлоқ хўжалиги фаолияти бўйича «Биологик активлар» ва «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини» алоҳида ҳисобга олиш тартибини киритиш таклиф этилди. Бу албатта, тадбиркорлик субъектлари ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши мантиқан изчил шаклланиши ва молия-хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олиш имконини беради. Унинг «Бухгалтерия ҳисоби» қисми «Услубий масалалар» бўлимида қишлоқ хўжалиги фаолиятида фойдаланиладиган активларни ҳисобга олиш тартиби эса, ахборотдан фойдаланувчилар учун аҳамиятли, ишончли, тушунарли ва

содда бўлишини таъминлайди.

5. Биологик активлар сотиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ёки қўшимча биологик активларга айлантириш мақсадида фойдаланиш бўйича таснифланди. Асосий воситалар сифатида тан олинадиган ва эскириш ҳисобланадиган биологик активлардан келгусида олинадиган иқтисодий нафнинг истеъмол хусусиятларини аниқроқ акс эттирадиган «Тўғри чизик усули», «Камайиб борувчи қолдиқ усули» ва «Ишлаб чиқариш усули» каби муқобил усуллардан танланган усулни ҳисоб сиёсатида белгилаб қуйиш орқали эскириш ҳисоблаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш ҳамда молиявий ҳисоботга тушунтиришларда очиб бериш тартиби асослаб берилди. Бу эса, биологик активлар ҳисобланган ҳосилдор ўсимликларни асосий воситалар сифатида тан олиш, уларга эскириш ҳисоблаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг шаффофлиги ва ишончлиги янада оширади.

6. Биологик активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда «1-даражали», «2-даражали» ва «3-даражали» маълумот манбаларидан фойдаланиш тартиби асосланди. Бозор ёндашувига асосланган баҳолаш усуллари таклиф этилди. Биологик активларни молиявий ҳисоботда акс эттириладиган қийматини биологик активнинг ҳаққоний қийматидан уни сотиш билан боғлиқ кутилаётган харажатларни чегириш орқали шакллантириш модели ишлаб чиқилди. Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши биологик активларни ҳаққоний қийматда баҳолаш ҳамда ёритиб бериладиган маълумотларда изчиллик ва қиёсийликни таъминлайди, биологик активларнинг ҳар бир тури (гурухи) бўйича ўринли баҳолаш усуллари танлаш ҳамда уларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган маълумот манбаларини ҳисоб сиёсатида акс эттириш ва молиявий ҳисоботда мазкур маълумотларни ёритиб бериш имконини беради, биологик активларни молиявий ҳисоботда акс эттириладиган қийматини шакллантириш модели, биологик активлар қиймати тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботда тўғри тақдим этилишини ва ахборотдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлишини таъминлайди.

7. Биологик активлар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг ишончлилиги, батафсиллиги ва назоратини таъминлаш мақсадида алоҳида 6040-«Биологик активларни кирим қилишда тан олинадиган даромадлар», 6050-«Биологик активларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда», 7040-«Қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатлари» ва 7050-«Биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан зарар» ишчи счётларини очиш таклиф этилди. Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида қуйидагилар таъминланди: биологик активларни кирим қилишда тан олинадиган даромадлар ва уларнинг сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан фойда суммасини ҳисобга олиш; қишлоқ хўжалиги фаолияти харажатларини, биологик активларни сотиш харажатлари чегирилган ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан зарар

суммасини ҳисобга олиш; қишлоқ хўжалиги фаолияти бўйича молиявий натижаларни тўғри шакллантириш, молиявий ҳисобот ва у билан бирга чоп этиладиган маълумотларда ошкор қилинадиган ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончилигини янада ошириш ҳамда жорий назоратни кучайтириш; шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатининг элементи сифатида «Ишчи счётлар режаси»ни янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги фаолияти ва унинг натижалари бўйича фойдаланувчиларга тизимли ахборотлар тақдим қилиш, бухгалтерия хизмати ходимларининг меҳнат сарфини сезиларли даражада камайтириш.

8. Биологик активларни халқаро стандартларга мувофиқ «Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот»да акс эттириш ҳамда унинг элементлари ва уларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича ахборотларни молиявий ҳисоботга тушунтиришларда ёритиб бериш услуби таклиф этилди. Бу албатта, иқтисодий ресурсларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги бухгалтерия ахборотларининг объективлигини таъминлаш имконини беради. Бу эса, биологик активларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш, унинг элементлари ва уларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича маълумотларни ёритиб бериш бўйича 41-сон БҲХСда белгиланган талаблар тўлиқ бажарилишини ҳамда ахборотларнинг янада батафсиллиги, шаффофлиги ва ишончилигини таъминлайди.

9. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кирим қилиш ва уларни сотишда тан олинадиган даромадларни тўғри ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш мақсадида ҳисоб сиёсатига алоҳида 6060-«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадлар» ва 6070-«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда тан олинадиган қўшимча даромадлар» ишчи счётларини очиш таклиф этилган. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши ҳисоб сиёсатининг элементи сифатида «Ишчи счётлар режаси»ни янада такомиллаштиради, хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кирим қилишда тан олинадиган даромадларни ва уларни сотишда тан олинадиган қўшимча даромадларни алоҳида ҳисобга олиш ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилилик даражасини янада оширишга хизмат қилади.

10. Қишлоқ хўжалик фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни асосий ва қўшимча тайёр маҳсулотлар таннархига тақсимлаш усули ишлаб чиқилган ҳамда асосланган. Бу албатта, қишлоқ хўжалиги фаолиятида ишлаб чиқарилган асосий маҳсулотдан ташқари олинган қўшимча маҳсулотларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда тўғри акс эттиришни таъминлайди. Шунингдек, ушбу таклиф асосида электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун «The method of «Realization of additional products in reality» (Qo‘shimcha mahsulotni haqiqatda realizatsiya qilish metodi)» ва ««Qo‘shimcha mahsulotni haqiqatda ishlab chiqarish» metodi» дастурлари ишлаб чиқилди. Натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларини олинган қўшимча маҳсулот таннархига тўғри тақсимлаш орқали молиявий натижаларни аниқ шакллантириш имконияти яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/31.10.2024.I.133.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ МЕЖДУНАРОДНОМУНИВЕРСИТЕТЕ КИМЁ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

БОЛТАЕВ АБРОР САЙИТМУРАДОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ УЧЕТА
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

08.00.08 - Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

город Ташкент – 2025 год

Тема докторской диссертации (Doctor of Sciences) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №В2023.1.DSc/Iqt459.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.kiut.uz) и информационно-образовательного портала «Ziyounet» (www.ziyounet.uz)

Научный консультант: Дусмуратов Раджанбай Давлатбаевич
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: Ризаев Нурбек Кадрович
доктор экономических наук, профессор

Уразов Комил Бахрамович
доктор экономических наук, профессор

Астанакулов Олим Таштемирович
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет
ветеринарной медицины, животноводства и
биотехнологии

Защита диссертации состоится 04 04 2025 года в 14:00 ч. на заседании научного совета DSc.03/31.10.2024.1.133.02. по присуждению ученой степени при Ташкентском международном университете Кимé. (Адрес: 100121, г. Ташкент, ул. Усмана Насыра, 156. Тел. (78) 129-40-40, e-mail: info@kiut.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского международного университета Кимé (регистрационный номер 16). (Адрес: 100121, г. Ташкент, ул. Усмана Насыра, 156. Тел. (78) 129-40-40, e-mail: info@kiut.uz)

Автореферат диссертации разослан 03 03 2025 года
(протокол реестра № 16 от 03 03 2025 года)


К.Б.Ахмеджанов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Ш.Г.Элмуродов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., доцент

А.А.Каримов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях усиления глобальной конкуренции в мировой экономике особое внимание уделяется отрасли сельского хозяйства. Потому что, по данным Всемирного банка, «Сельское хозяйство также имеет решающее значение для экономического роста: на его долю приходится 4 процента мирового валового внутреннего продукта (ВВП) и более 25 процентов ВВП некоторых развивающихся стран»²⁶. Кроме того, в современном мире, где «бухгалтерский учет рассматривается как система измерения, наблюдения и обобщения деятельности бизнеса, интерпретации финансовой информации и передачи её руководству и другим заинтересованным сторонам для принятия эффективных бизнес-решений»²⁷ возрастает значение правильной организации учета сельскохозяйственной деятельности, в частности признания и оценки биологических активов и получаемой из них сельскохозяйственной продукции, отражения связанных с ними хозяйственных операций в бухгалтерском учете и финансовой отчетности. С этой точки зрения совершенствование методологии учета сельскохозяйственной деятельности является важной задачей.

Во многих странах мира ведутся регулярные научные исследования, направленные на совершенствование теоретических, организационно-методических и практических основ бухгалтерского учета сельскохозяйственной деятельности. Однако модернизация аграрной сферы нашей страны, привлечение в него иностранных инвестиций и развитие внешнеторговой деятельности требуют совершенствования теоретических, нормативно-правовых и методологических основ учета сельскохозяйственной деятельности на основе международных стандартов финансовой отчетности (МСФО (IFRS)). Это усиливает необходимость проведения научно-теоретических и эмпирических исследований, направленных на совершенствование методологии учета сельскохозяйственной деятельности, в частности, биологических активов и сельскохозяйственной продукции. Таким образом, требуется проведение научных исследований по совершенствованию методологии учета сельскохозяйственной деятельности на основе международного опыта в предпринимательских субъектах, действующих в реальном секторе экономики.

Необходимость обеспечения реализации задач, поставленных в приоритетных областях, направленных на модернизацию сельского хозяйства Узбекистана, в частности, развитие рыночных отношений, диверсификацию производства, создание благоприятной среды для агробизнеса и цепочки с высокой добавленной стоимостью, устранение существующих теоретических, нормативно-правовых, организационно-

²⁶ Agriculture Overview: Development news, research, data / World Bank Group (2024). <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>

²⁷ Exploring Business – v2.0 // Publisher: Saylor Academy. (2012). https://saylordotorg.github.io/text_exploring-business-v2.0/s16-01-the-role-of-accounting.html

методических и практических проблем по обеспечению реализации поставленных задач по гармонизации системы бухгалтерского учета с Международными стандартами финансовой отчетности МСФО (IFRS), а также ведение учета сельскохозяйственной деятельности и отражение ее в финансовой отчетности требует проведения научных исследований по совершенствованию методологии учета сельскохозяйственной деятельности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», №УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», постановлениях №ПП-4611 от 24 февраля 2020 года «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности», №ПП-3832 от 3 июля 2018 года «О мерах по развитию цифровой экономики и сферы оборота крипто-активов в Республике Узбекистан», а также других нормативно-правовых актах, относящийся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирования инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации²⁸. Научные исследования, связанные с совершенствованием методологии учета сельскохозяйственной деятельности, проводятся авторитетными научными центрами и высшими учебными заведениями мира, а также международными и региональными организациями, связанными с отраслью, включая, Всемирный банк (The World bank), The center for economic and business research (CEBR), American Institute of Certified Public Accountants (AICPA), Austin State University (США), University of California (США), Dr. Rafael Belloso Chacin University (Испания), University Giessen (Германия), Academy of Economic Studies Bucharest (Румыния), University of Debrecen, Institute of Accounting and Finance (Венгрия), Rezekne Academy of Technologies (Латвия), University of Jember (Индонезия), Российский государственный аграрный

²⁸ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации составлен на основе следующих источников: <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>; https://saylordotorg.github.io/text_exploring-business-v2.0/s16-01-the-role-of-accounting.html; https://www.accaglobal.com/russia/ru/qualifications/dipifir-rus/exam_structure/technical-articles/IAS41.html; https://upg-bulletin-se.ro/old_site/archive/2010-3/8.%20Bavita_Dumitru_Pitulice_Nichita.pdf; https://www.researchgate.net/publication/289995676_Measurement_of_Agricultural_Activities_According_to_the_International_Financial_Reporting_Standards; https://www.researchgate.net/publication/334653035_Accounting_Treatment_of_Biological_Assets_for_Agricultural_Companies_in_Jember_and_Bondowoso; <https://frontlinejournals.org/journals/index.php/fmmej/article/view/485>; https://www.researchgate.net/publication/340976424_Biological_assets_and_the_agricultural_products_in_the_context_of_the_implementation_of_the_ias_41; https://scholarworks.sfasu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1003&context=accounting_facultypubs; <https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-ucheta-vosproizvodstva-vneoborotnyh-biologicheskikh-aktivov-v-selskom-hozyaystve.pdf>; <https://elibrary.ru/item.asp?id=23758268>; <https://diss.unn.ru/files/2014/457/diss-Terekhov-457.pdf>; <https://znanium.ru/catalog/document?id=355089>.

университет – МСХА имени К.А.Тимирязева, Ижевская государственная сельскохозяйственная академия, Орловский государственный аграрный университет, Кубанский государственный аграрный университет, Казанский государственный аграрный университет (Российская Федерация), Ташкентский государственный экономический университет, Ташкентский государственный аграрный университет, Самаркандский государственный университет ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий, Самаркандский институт экономики и сервиса (Узбекистан).

В результате проведенных научных исследований по совершенствованию теоретико-методологических вопросов учета сельскохозяйственной деятельности в мире получен ряд научных результатов, в том числе: обоснован механизм признания биологических активов в качестве актива и предложена методология учета (University of California, США); усовершенствована методология учета сельскохозяйственной продукции (Austin State University, США); подготовлены предложения и рекомендации по совершенствованию методологии учета биологических активов в сельскохозяйственных компаниях (University of Jember, Индонезия); усовершенствована методология учета биологических активов и сельскохозяйственной продукции (Rafael Beloso Chacin University, Испания); предложены критерии оценки сельскохозяйственной деятельности на основе МСФО (IFRS) (University of Debrecen, Institute of Accounting and Finance, Венгрия); освещены особенности исчисления себестоимости сельскохозяйственной продукции в фермерских хозяйствах на основе практических данных (Academy of Economic Studies Bucharest, Румыния); исследованы проблемы учета и оценки биологических активов в Латвии и разработаны научные предложения и практические рекомендации по их устранению (Rezekne Academy of Technologies, Латвия); разработаны методические рекомендации по совершенствованию методологии оценки и учета биологических активов в соответствии с требованиями Международного стандарта бухгалтерского учета (МСБУ (IAS) №41 «Сельское хозяйство» (Ижевская государственная сельскохозяйственная академия, Российская Федерация); предложен метод оценки и учета сельскохозяйственной продукции по ее справедливой стоимости (Кубанский государственный аграрный университет, Российская Федерация); разработаны научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию учета биологических активов и сельскохозяйственной продукции (Российский государственный аграрный университет – МСХА имени К.А.Тимирязева).

В мире проводятся исследования по совершенствованию теоретических, нормативно-правовых, методических и практических основ учета сельскохозяйственной деятельности в следующих приоритетных направлениях, в том числе: совершенствование нормативно-правовых основ учета сельскохозяйственной деятельности; совершенствование порядка отражения результатов сельскохозяйственной деятельности в бухгалтерском учете и финансовой отчетности; совершенствование методологии учета

сельскохозяйственной деятельности на основе МСФО (IFRS); совершенствование организационно-методологических аспектов учета сельскохозяйственной деятельности; формирование теоретических и нормативно-правовых основ учета сельскохозяйственной деятельности; совершенствование методологии учета биологических активов; совершенствование методологии оценки и учета сельскохозяйственной продукции.

Степень изученности проблемы. Теоретические, нормативно-правовые, организационно-методические и практические аспекты проблем, связанных с совершенствованием методологии учета сельскохозяйственной деятельности нашли отражение в научных и учебно-методических работах зарубежных экономистов, таких как Ilie BăviŃă, Ildikó Orbán, Iuta Arbidane, K.Khushvakhtzoda, N.W.Widiyanti, Rubén Dario Marrufo Garcia, Treba Mars, а также ученых стран СНГ В.Ф.Палий, Р.А.Алборов, Н.Н.Агошкова, З.И.Кругляк, Г.С.Клычова, А.М.Терехов, Л.Ф.Ситдикова, Л.И.Куликова, А.Е.Выручаева и других²⁹.

В исследованиях отечественных экономистов Р.Д. Дусмуратова, А.А. Каримова, К.Б. Уразова, С.Н. Тошназарова, Н.К. Ризаева, И.Н. Исманова, Б.Ю. Менгликулова, Б.М. Джураева, З.У. Мухаммадиева, Ф.Т. Темирова рассмотрены вопросы гармонизации национальной системы учета с МСФО, в частности, теоретические, методологические и организационные аспекты учета биологических активов и полученной из них сельскохозяйственной продукции³⁰.

